



ТАРБИЯДА МАКТАБ-ОИЛА- МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

УНДАН КУТИГАН АСОСИЙ МАҚСАД –
КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ

Болаларни тарбиялаш ота-
онанинг муқаддас бурчи
саналади.

Лобархон ҚОРАХОНОВА,
Қори Ниёзий номидаги Тарбия
педагогикаси миллий институти
бўлим мудири, (DSc)

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига оладиган ёш авлодни тарбиялаш асосий мақсад ҳисобланади. Ҳозирда ёшларимизнинг барқарор ҳаёти учун янгича «тарбия» усул ва шакллари яратиш кучли ижтимоий зарурият сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган асосий масалалардан ҳисобланади.

Оила, мактаб ва маҳалла

ҳамкорлигида олиб борилган маънавий-ахлоқий ишлар сифати ўқувчи-ёшларнинг тарбияланганлик даражаси билан қийматли сналади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида тарбия механизмларини такомиллаштириш, маънавий тарбия самарадорлигини баҳолаш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия муаммоларини самарали ҳал этишда педагогик ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштиришда ўқитувчи — ўқувчи — ота-она, жамоатчилик ташкилотлари — ўқувчи — ўқитувчи, таълим муассасалари — ўқувчи — маҳалла органлари,

маҳалла органлари – ўқувчи — ота-оналар фаолияти муштараклиги ёхуд педагогик ҳамкорлик муносабатлари асосий таянч омиллар саналади.

«Ахлоқ» (лотинча – хулқ-атвор маъносини билдиради) ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга соладиган қонун қоидалар мажмуидир. Ахлоқ — маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ ёхуд ахлоқий меъёрларсиз



шахс руҳий ва жисмоний етуклиги мезонибўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ёш авлодни ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш оиладан бошланади. Баркамол авлодни тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва миллий бағрикенглик, юксак маънавият эгаси ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялашда уч асосий омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда ўқувчи маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламида глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди камолини кўриш учун уни вояга етказди, албатта, бу жараён ўз-ўзидан амалга

ошмайди.

Келинг, «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган халқ нақлини бошқача, яъни «Нима ўришни хоҳласанг, шуни эк», шаклида талқин қилиб кўрайлик. Ота-она фарзандига мол-мулк, уй-жой, автомобиль ёки бошқа моддий бойликларни бера олиши мумкин, лекин тарбия ёхуд бахтни ҳамма ҳам ҳамиша топиб бера олмайди. Бу, энг аввало, уларнинг ўзлари қандай тарбия кўрганлик даражаси билан бевосита боғлиқ жараён саналади. Бир куни ота ўғлини етаклаб кетаётиб, “ўғлим қадамнингни ҳамиша ўйлаб бос” деб насиҳат қилса, ўғли “ота сиз қандай йўлдан юрсангиз мен ҳам ана шу йўлдан юраяпман, сизга эргашаяпман», деб жавоб берган экан.

Педагогик адабиётларда педагогика ибораси «бола етакламоқ» маъносида талқин қилинади. Демак, биз педагоглар фаолиятимиз жараёнида болаларни етаклаб юрамиз, биз қандай қадам боссак, фарзандларимиз ҳам шу йўлдан юради. Бу тарбиянинг ибрат-намуна усулига мисол бўла олади. Таълим-тарбия масаласи

ҳар доим кун тартибидаги масалалардан бири бўлиб келган ва шундай вазифа бўлиб қолади. Чунки янги авлодлар дунёга келади ва улар ҳам таълим-тарбияга эҳтиёж сезади.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш бўйича мактабларнинг ота-оналар, оилалар, маҳалла кўмиталари, Маънавият ва маърифат маркази бўлинмалари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.

Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишларида, айниқса, оила муҳим ўрин тутди. Соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-она, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, болаларнинг қизиқиши, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган касбга йўналтириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш, болалар

бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишларига шарт-шароит яратиш, улар онгига санитария-гигиена ҳамда экологик билим ва кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбиявий ишларни амалга ошириш оила

маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Оилаларни тарбия педагогикаси ютуқлари билан таништириш, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири саналади. Ота-оналар



зиммасидаги муҳим вазифалар ва оилаларни тарбияга оид саналади. билимлар, тарбия услублари билан қуроллантириш ниҳоятда зарур.

Давлатимиз оилага ҳамиша жиддий эътибор қаратиб келган. Шу боис давлат оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб, оилавий тарбияни мактаб ва жамоатчилик билан уйғунлаштиришдан манфаатдор.

Оила вазифалари

Оила тарбиясида ота-оналарнинг тарбия борасидаги

Тарбия жараёнида ота-она ва ўқитувчиларнинг болаларни ижтимоий фойдали ишларга тортиш борасидаги масъулияти ниҳоятда муҳим. Тарбияга оид билим фақат ота-оналар иши бўлиб қолмай, балки кенг жамоатчилик, кенг маънода

давлат аҳамиятига молик ишдир.

Оиланинг энг муҳим хусусият ёхуд вазифларидан бири келажак авлодни кўпайтиришдан иборат. Оила болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасида ижтимоий ташкилотлар билан ҳамоҳанг ҳолда фаолият юритмоқда.

Оила тарбияси муаммоларини тадқиқ этиш, асосан, икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчи жиҳати оила тарбияси масаласи педагогиканинг анъанавий қисми сифатида ўрганилмоқда. Иккинчи томондан оила социология ва филология йўналишида ҳам тадқиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда айни пайтда оиланинг ижтимоий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Оиланинг моддий эҳтиёжини қондириш асосида болалар



тарбияси учун жавобгарлик кучайтириляпти. Бугунги

кунда оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ахлоқий руҳий алоқалар жуда муҳим саналади. Айни шу алоқадорлик оилавий муносабатлар, тўлақонли ҳиссий-эмоционал, оталик ёки оналик, бир сўз билан айганда, бахтли оилани барпо қилишга хизмат қилади.

Маҳалла вазифалари

Таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилиш, оқилона ечимлар топишда фаоллик кўрсатиш, фарзандлари тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган ота-оналарни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, лозим ҳолларда бундай ота-оналар билан тегишли профилактик тадбирларни белгилаш мақсадида маҳалла фаолларини бириктириш ёки қонун доирасида бошқа чоралар кўриш маҳалланинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Бундан ташқари ёшлар

диний мазҳаб ва секталар, ақидапарастликнинг салбий таъсирини тўғри англаб етишида уларга ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга кенг жамоатчиликни сафарбар қилиш, маҳалла ҳудудидаги нотинч оилаларни аниқлаш ва уларда содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларнинг олдини олиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳаллаларнинг мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунда маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадрият ва анъаналаримиз тикланиб, замон талаблари асосида бойитилмоқда. Маҳаллалар имконияти ва ваколатларининг тобора кенгайиб бораётгани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органларининг аҳиллик, ҳамжиҳатлик, осойишталик муҳитини асраб-авайлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти ортаётганида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла тарбия ўчоғидир. Фарзанд оилада дунёга келиб биринчи бор ота-онасини таниса, улғайган сайин маҳалладаги одамларни таний бошлайди ва юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики ижобий фазилатларни, аввало, маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлар, дуогўй онахонлардан ўрганади.

Шу нуқтаи назардан таҳлил этилганда, «Оила – маҳалла» тизимидаги ишларни такомиллаштириш, оила ва маҳаллага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигига эришиш

яхлит жамият барқарорлиги ва тинчлигининг муҳим омилларидан саналади.

Ижтимоий бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган маҳалла маданий-маънавий тадбирларни амалга ошириш билан бирга, оилавий урф-одатлар, анъаналар, оиладаги қувончли лаҳзалар ҳамда оила ҳаёти билан боғлиқ бўлган аҳамиятли воқеаларни тарғиб қилишнинг ишончли маркази сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Маҳалла ҳар бир оила ва шахс билан имконият даражасида иш олиб бориш учун маънавий салоҳият ва ҳуқуқий имкониятга эга бўлган маскан ҳисобланади.

Маҳаллада кишиларни одоб-ахлоққа ўргатиш, уларга урф-одатлар, турли қадриятларни сингдириш, илғор удумларни кенг ёйиш борасида ажойиб анъаналар қарор топган. Оила кичик ватан бўлса, маҳалла унинг мустаҳкам таянчи ҳисобланади. Оилалар фаровон, обод бўлса, маҳалла кўркига кўрк қўшади. Маҳаллалар обод бўлса, юртимиз ҳам шунчалик обод бўлади. Яъни бугунги куннинг маҳалласи, энг аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли

таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси ҳам, дебатлаш мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд, айниқса,



миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс. Таълим муассасалари вазифалари:

Болаларга таълим беришда илғор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан ўринли фойдаланишга шарт-шароит яратиш, ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олиш

жараёнида турли хил чалғитувчи воситаларнинг зарари ва улар оқибатларининг олдини олиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлод онги ва шуурига таъсир этишга қаратилган маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, таълим муассасаларида ёшларнинг бирорта касб-хунарни эгаллаши учун пойдевор яратиш, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш, ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш таълим муассасалари зиммасидаги вазифалар сирасига киради. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги таълим ва тарбия жараёнида биргаликда ҳаракат қилиш, тарбияланувчига ҳурмат ва талаб уйғунлиги, ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлиги, бунда миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги, ҳамкорлик ишларининг илмийлиги каби тамойил ва

босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади.

Мактабнинг том маънода тарбия маркази ролини ўйнаши учун ўқитувчи ва ота-оналарнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг амалий фаолиятлари бир-бирлари билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт. Бу борада мактабнинг энг муҳим вазифаси ота-оналар ўртасида ижтимоий тарбиявий муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишларни жонлантириш, такомиллаштириш оила ва мактаб алоқасини мустаҳкамловчи омилдир. Мактаблардаги ота-оналар қўмитаси ота-оналар жамоатчилиги билан алоқа қилишда ўқитувчи ва тарбиячиларга яқиндан ёрдам берувчи бўгин саналади. Мазкур қўмита ота-оналар жамоатчилигини мактаб ҳаётига, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларга жалб қилиши лозим.

Болаларни тарбиялаш ота-онанинг муқаддас бурчи саналади. Катта ва кичикни ҳурмат қиладиган, ўзаро меҳрибон, бир-биридан ёрдамни

аямайдиган, бир-бирига иззат ва ҳурмат кўрстадиган, яхши хулқ ва атворга эга бўлган, билимли ва тарбияли болалар ахлоқан пок, маънавий дунёси бой оилаларда вояга етади. Демак, мактаблар барча тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиши лозим. Ўқитувчилар жамоасини уюштира олган, жамоатчиликни болалар тарбиясига фаол жалб қилган, ўқувчилари ота-оналари билан мустаҳкам алоқа ва ҳамкорлик ўрнатган мактаб маъмурияти нафақат таълим, балки тарбияда ҳам юсак ютуқларни қўлга кирита олади. Бундай мактаблар ўз атрофидаги завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, оталиққа олган корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этмоқда, қаровсиз, тарбияси оғир болаларни ўз назоратига олмоқда. Бундай хайрли ишларда кўплаб ота-оналар мактаб билан яқин алоқада бўлиб, ўқитувчилар билан бамаслаҳат иш олиб борапти.

Юқоридаги усулларнинг фаол қўлланиши, ота-оналар

билан ўтказилган тарбиявий суҳбатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги билимлар, уларни ёшлар тарбиясига жалб этиш, миллий тарбияни маҳалла, маҳалла оқсоқоллари кенгашлари фаолияти йўналишига айлантириш ота-оналарнинг тарбиячи сифатидаги фаоллиги ошишига олиб келади. Бунинг натижасида ўқувчиларимизнинг ахлоқий тарбиясида ҳеч қандай ёт ғояларга ўрин қолмайди.

Таълим-тарбиянинг мана шундай ташкилий-методик тамойилларидан бири бу – педагогик ҳамкорликдир. Яъни оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий параметрлари, халқимизнинг узок асрлар давомида шаклланиб келаётган қадриятларини чуқур сингдириш, ватан шаъни ва обрўсини кўзлаши, ёшларимизни юксак марралар сари интилувчи муносиб фарзанд бўлиши учун ҳамкорлик дастурлари асосида иш олиб бориши муҳим.

Ҳамкорлик дастурлари ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик

тамойиллари асосида юксак одамийлик ва фуқаролик бурчига садоқатлилик руҳида тарбиялаш, мустақил фикрига эга, тафаккури озод эркин шахсни замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўла оловчи, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қодир комил инсонларни камол топтириш ҳояларини қамраб олиши зарур.

